



ҚАДИМГИ ЎРТА ОСИЁ БРОНЗА ДАВРИ ЖАМОАЛАРИНИНГ ТАФАККУРИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Шодмонов Анвар Акрамович

Термиз давлат университети

Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик кафедраси докторанти
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10590544>

ARTICLE INFO

Received: 23th January 2024

Accepted: 39th January 2024

Online: 30th January 2024

KEY WORDS

Ўрта Осиё, Олд Осиё, Саразм,
Тозабөгёб, бронза даври,
хунармандчилик, кулолчилик,
инсонлар тафаккури.

ABSTRACT

*Ушбу мақолада Ўрта Осиёнинг бронза даври
жамоаларининг тафаккури тараққиётидаги айрим
ўзгаришлар ҳақида бир қанча таҳлилий фикрлар баён
этилади.*

Бронза даври Ўрта Осиё халқларининг илк деҳқончилик, шаҳар-давлатлар тарихи, моддий маданияти тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Бронза биринчи марта мил авв. III минг йилликда олд Осиё ва Ҳиндистонда кашф этилди. У қисқа давр ичида ибтидоий хўжаликнинг барча соҳаларига кириб борди.

Бронза даври тош даврига нисбатан қисқа даврни, яъни мил. авв. III-I минг йилликлар оралиғига тўғри келади. Бронзанинг кашф этилиши ибтидоий жамоа хўжалигида рўй берган буюк маданий инқилоб эди. Шу муносабат билан меҳнат қуролларининг тури кўпайди, ҳарбий қуролларнинг жанговорлиги ортди. Бронзадан ясалган уй-рўзғор буюмлари пайдо бўлди. Бронзадан асосан турли безаклар, уй-рўзғор ва хўжалик буюмлари, ҳарбий қуролашҳалар ва меҳнат қуроллари ясайдиган махсус темирчилик, заргарлик устахоналари вужудга келди.

Хунармандчиликнинг ихтисослашуви туфайли минтақалараро савдо ва айирабошлаш юзага келди. Ўлкаларни иқтисодий жиҳатдан боғлаб турувчи табиий алоқа йўллари пайдо бўлди. Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи, Бадахшон лаълининг қадимги Шарққа тарқалишини таъминлаган лазурит йўли шаклланди.

Савдо алоқаларида қуруқликда транспорт сифатида ҳайвонларқучидан фойдаланиш бошланди. От, туя қўшилган аравалар пайдо бўлди. Бронза даврида жанубий минтақаларда овчилик ва термачилик ҳаётда ўзининг дастлабки ролини йўқотди. Аҳолининг асосий хўжалигичорвачилик ва деҳқончилик бўлиб қолди.

Бронза даврида, биринчи навбатида суғорма деҳқончилик базасида қад кўтарган доимий қишлоқларнинг кўпайиши, улардаяшаётган аҳоли сонининг зичлаббориши ваянги ерларнинг интенсиф ўзлаштирилиш жараёни кузатилади.

Янги ерларни интенсиф ўзлаштирилиши билан боғлиқ ҳолда қанчадан-қанча янги маданият ўчоқлари вужудга келди, ибтидоий хўжаликнинг хунармандчиликда янгидан-янги ихтиролар қилинди. Масалан, бронзадаврида металл билан ишлаш



хунармандчилиги, заргарлик, уй-жой қурилишида ғиштданфойдаланиш, кулолчиликда чархданфойдаланишга ўтиш бронза даври жамоасининг хўжалик соҳасидаги йириккашфиётларилан бири ҳисболанади.

Жанубий Туркманистоннинг бронза даврига оид маданиятлари Мурғоб Сумбар, Келили воҳаларининг одамлар томонидан жадал ўзлаштирилиши натижасида вужудга келди.

Энеолит даврида пайдо бўлган Олтиндепа, Номозгоҳқаби қишлоқлар йириклашган. Масалан, ривожланган бронза даврига келиб Олтиндепанинг майдони 25 га.ни ташкил этиб, илк шаҳар кўринишига эга бўлган.

Хоразм худудида бронза даврининг Тозабоғёб ва Амиробод маданиятлари ўрганилган. Тозабоғёбнинг энг нодир ёдгорлиги кўкча-3 қабристонидан ғужанак ҳолатда, ўнг ёки чап томони билан оёқларибукилган тарзда дафн этилган одам скелетлари топилган.

Қабристонларда ёлғиз, баъзан аёл ёнида бола қўшиб кўмилган. Эркаклар қабрида сопол иддишлар ва бронза буюмлар, аёллар қабрида эса бронза тақинчоқлар учрайди.

Бу ҳолат инсон учун “нариги дунё борлиги ва керак бўладиган буюмларни қўшиб, ғужанак ҳолатда дафн этилиши-иккинчи ҳаётнинг бошланиши деб тушунилган инсоннинг борлиқ, дунё ва ўзи ҳақидаги тасавури моддий олам билан боғланиб турганлигини кўрсатади.”

Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Тагиенкен мазорлари ҳам бронза даврида маданиятини ўзида акс эттиради қабрлар гумбазсимон бўлиб, уларда 3-тадан 7 тагача одам дафн этилган.

Уларнинг айримларида уруғ оқсоқоли ёки нуфузли шахслар дафн этилган. Чунки бу қабрлар оддий қабрлардан ўзининг топилмалари билан фарқ қилади. Шунинг учун худди шу даврлардан бошлаб, одамлар орасида ижтимоий табақаланиш жараёни бошланганлигини гувоҳи бўламиз.

Сурхон воҳасидаги Сополли маданияти суғорма деҳқончиликка асосланган. Бу маданият XVII-X асрлар оралиғида бўлганлиги учун қадимги Шарқнинг сўнгги бронза даври маданиятлари туркумига киритилади.

Сополли маданияти Жанубий Туркманистоннинг Номозгоҳ, Шимолий Афғонистоннинг Даштли, Ҳиндистоннинг Хараппа маданиятларига ўхшайди.

А.Асқаров сополли маданиятининг пайдо бўлишида Жанубий Туркманистон худудида яшаган аҳолининг бир гуруҳининг Музработ воҳасига кўчиб келиши билан боғлайди.

Сополлитепанинг 82x82 м²тенг қалъа қисми тўлиқ ўрганилган қалъада 8 маҳалла яшаган. Жамоалар бир-биридан йўлаклар билан ажралиб турган. Вафот этганлар алоҳида қабристонда эмас, балки девор таги ва уй саҳнларида кўмилган. Қабрлар оддий ўра ёки лаҳатшаклида бўлиб, эркаклар ўнг, аёллар чап томони билан дафн этилган.

Сополли маданиятининг 4 босқичи мавжуд.

1. Сополли даври (мил. ав.XVII-XV аср) ашъвий манбалар Жанубий Туркманистон манбаларига ўхшайди.



2. Жарқўтон даври (XV-XIII асрлар) манбалари ўзига хос бўлиб, бу жараён тараққиётнинг автохтон-маҳаллий Бақтрия йўналиши пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бу даврда вафот этганлар махсус қабристонларда дафн этилган.

3- ва 4- босқич, кўзали ва молали давридаги ашёвий манбаларда Ҳиндистоннинг Хараппа ва Сибир-Қозоғистоннинг Андропово-қўчманчиалқлар маданиятининг таъсири кузатилади.

Бу ҳолат бронза давридаёқ аجدодларимиз бошқа халқлар билан бевосита алоқа қилганлигини тасдиқлайди. Уй-жой қурилишида тошсаҳнларнинг пайдо бўлиши ва айрим жамоа аъзоларини дафн этмасдан куйдириш ҳолатлари бевосита маданий алоқалар орқали юзага келган.¹

Жарқўтонда амалга оширилган илмий тадқиқотлар Сополли маданиятининг соҳиблари ижтимоий табақалашганлигини тасдиқлайди. Улар қўйидагича:

1. Донишмандлар. Бу гуруҳга оқсоқоллар ва дин пешволари, диндорлар киради.
2. Ҳарбийлар, жамиятни ҳимоя қилувчилар.
3. Ҳунарманд ва савдогарлар
4. Деҳқонлар ва чорвадорлар жамиятни иқтисодий жиҳатдан таъминлайдиганлар

Шундай қилиб, бронза асрига келиб Евросиёнинг катта қисми. Қора денгизнинг Шимолий қисмида этник жараёнлар юз берган Ўрта Осиё ва Кавказортида сўнгги бронза асрида юз берган ижтимоий тараққиёт туфайли шу минтақаларда давлатчилик тузумининг шаклланиши учун шарт-шароити юзага келди.

References:

1. Henri-Paul Francfort. Shortugai. 1989.
2. Асқаров А. Сополли. Т., 1977.
3. Массон В.М., Древнеземледельческая культура Маргианы. М., 1959.
4. У.Брент, Д.Грамп. Археологический словарь М., Прогресс. 1990.
5. Чайльд В.Г. До историческая Европа, древнейший Восток в светя новейших археологических открытния. л.м. 1939.
6. Курбанов А. М. Бронза даври ибодатхоналарида учрайдиган алтарлар // Взгляд в прошлое. – 2019. – №. 24.
7. Meligaliyevich, Q. A. (2021). NEW UZBEKISTAN IN A NEW NEIGHBORHOOD RELATIONS WITH THE COUNTRIES OF CENTRAL ASIA. *Евразийский журнал академических исследований*, 1(6), 12-19.
8. Курбанов, А. М. (2023). Алтын-Депе–древнейшее место культовое место в Средней Азии. *Археология Евразийских степей*, (1), 107-110.
9. Qurbonov, A. M. (2022). SOME COMMENTS ON THE HISTORY OF THE CONSTRUCTION OF THE TEMPLES OF THE BRONZE AGE OF ANCIENT BACTRIA. *Builders Of The Future*, 2(02), 270-276.
10. Qurbonov, A. (2022). THE FIRST ALTARS OF CENTRAL ASIA OF BRONZE AGE. *Евразийский журнал академических исследований*, 2(5), 92-96.

¹Асқаров А. Сополли. Т., 1977. Стр 13.